

Qishloq hayoti

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2023-yil 18-mart, shanba

№ 12 (9228)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi

ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ САММИТИДА МУҲИМ ТАШАББУСЛАР ИЛГАРИ СУРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг таклифига биноан Туркий давлатлар ташкилотининг навбатдан ташқари саммитида иштирок этиш учун 15-16 март кунлари амалий ташриф билан Анқара шаҳрида бўлди.

16 март куни Анқара шаҳрида Туркий давлатлар ташкилотининг навбатдан ташқари саммити ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ўтган тадбирда Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоған, Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркманiston Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов, Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев, Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғизистон Президенти Садир Жапаров, Венгрия Бош вазир Виктор Орбан, ТДТ Бош котиби Кубанчбек Омуралиев ҳамда Ташкилот институтлари ва тузилмаларининг бошқа вакиллари қатнашди.

Кун тартибига мувофиқ, фавқулодда вазиятларни бошқариш ва гуманитар ёрдам кўрсатиш соҳасида кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари ҳамда табиий офатларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш борасидаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Саммит аввалида иштирокчилар 6 февраль куни Туркиянинг жануби-ғарбий ҳудудларида рўй берган вайронкор зилзилалар қурбонлари хотирасига ҳурмат бажо келтирилди.

Давлатимиз раҳбари ўз нуқтаи назарида таъкидлаганидек, бугунги учрашув ҳамда фотокунларида Ташкилот мамлакатлари Туркияга кўрсатган биродарлик ёрдами туркий халқлар энг мушкул давларда бир-бирига мустақкам таянч ва суянч бўлаётгани, уларнинг дўстлиги ва бирдамлиги қудратли куч эканини яққол амалий тасдиқлади.

– Дўстларимиз диёрида юз берган ва мисли кўрилмаган ҳалокатли зилзила барчамизнинг қалбимизга чексиз қайғу ва изтироб солди. Бу йўқотишнинг ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайди. Зеро, бу мудҳиш офат натижасида бизнинг жондан азиз ота-оналаримиз, ака-укаларимиз, опа-сингилларимиз ва фарзандларимиз қурбон бўлди ва жабрланди, – деди Шавкат Мирзиёев. – Биз мудҳиш фожиада қурбон бўлган ўн минглаб бегуноҳ кишилар хотирасини ҳеч қачон унутмаймиз.

Ўзбекистон етакчиси ҳаётдан бевақт кўз юмган барча инсонларнинг порлоқ хотирасига алоҳида ҳурмат рамзи сифатида 6 февраль санасини Туркий давлатлар ташкилоти доирасида Қурбонларни хотирлаш ва бирдамлик куни, деб эълон қилишни таклиф этди.

Президент Режеп Таййип Эрдоған бошчилигида табиий офат оқибатларини бартараф этиш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар ва қабул қилинган дастурларни алоҳида эътироф этиб, давлатимиз раҳбари зудлик билан амалга оширилган аниқ ва самарали ҳаракатлар туфайли кўплаб одамларнинг ҳаёти ва соғлиги сақлаб қолингани, катта миқдордаги маблағлар жамланиб, кенг кўламли қайта тиклаш ишлари бошланганини алоҳида қайд этди.

– Ҳозирги синови даврда қардош турк халқи Туркия етакчиси атрофида жипслашиб, ўзининг беқияс жасорати ва мардлиги, метин иродаси ва юксак сафарбарлик руҳини намойён этди, – деди Ўзбекистон Президенти.

Шу муносабат билан Ўзбекистон вайрон бўлган шаҳар ва қишлоқларни, ижтимоий ва саноат объектиларини тиклаш ва янгиларини барпо этиш ишларига ёрдам бериш ва биргаликдаги саъй-ҳаракатларни йўналтиришга тайёрлиги таъкидланди.

(Давоми 2-саҳифада)



КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ЯНА БИР БОР МУҚАММАЛЛИКДАН ЎТДИ

Хуқуқшунос олим сифатида шуни алоҳида таъкидлашим лозимки, Конституция лойиҳаси 2022 йил 25 июнь умумхалқ муҳокамасига қўйилгунга қадар конституциявий комиссияга 62 мингдан ортиқ, 25 июнь-1 август оралиғида 150 мингдан ортиқ таклифлар тушган, қолаверса, кейинчалик ҳам халқимиз мурожаат қилиш ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда 10 мингдан ортиқ таклифларни юборганлар.

Қайд этиш керакки, бир неча марта умумхалқ муҳокамаси муддатлари узайтирилди, яъни аҳолимизга таклиф беришга янада кенгроқ имконият яратиш мақсадида ташкил этилди. Қонунчи-

лик палатаси масъул кўмита раисининг таъкидлаганидек, конституция лойиҳаси муҳокамасига доир 20 мингга яқин таклифлар бўлиб ўтгани, яқунда фуқароларимиз томонидан 220 мингдан ортиқ

таклифлар келиб тушганлиги мазкур конституциянинг "Халқ конституцияси" бўлаётганлигининг яққол исботи, десам янгилишмаган бўламан. Кўплаб ҳорижий конституцияшунос экспертлар ташриф буюриб, ўзларининг таклифлари билан ўртоқлашди, шу билан бир қаторда депутат ва сенаторларимиз, малакали мутахассис ва олимларимиз ҳам ҳорижий давлатларга ҳам ташриф буюриб тажриба алмашиб келди. Алоҳида айтиш керакки, Қонунчилик палатаси масъул кўмитала-

рида 40 га яқин муҳокама мажлислари бўлиб ўтган. Бу жараёнлардан ҳам қўриб турибмики, конституция лойиҳаси ҳар томонлама мукамал, бевосита халқнинг иштироки асосида муҳокамадан ўтган дейишимизга тўла асосларимиз бор. Конституциявий судда бўлиб ўтган мажлисида, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича чиқарган Қарори ҳар томонлама конституция ва қонун талаблари асосида, Конституциявий суд тўғрисида қонунда белгиланган процессуал иш юритув тартибидан чиқарилганлигининг гувоҳи бўлди. Буни ҳуқуқшунос мутахассис сифатида қуйидагича асослашимиз мумкин: биринчидан, "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни лойиҳаси бўйича "Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш ҳақида"ги қарори Конституциявий судга 10 март куни юборилган;

иккинчидан, алоҳида таъкидлаш лозимки, Қонунчилик палатаси Конституция лойиҳасини Конституциявий судга юбормасдан ҳам ўз Қарорини эълон қилиши мумкин эди. Аммо, бу ҳар томонлама халқ конституцияси бўлаётганлигини инобатга олган ҳолда, эътирозларга ўрин қолдирмаган ҳолда, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Конституциявий суд тўғрисидаги қонуннинг 27-моддасига мувофиқ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мурожаат қилиш ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда юборилган;

(Давоми 2-саҳифада)



СУРХОНДАРЁДА БАҲОРГИ ЧИГИТ ЭКИШ АВЖИДА

Сурхондарё вилояти пахтакорлари жорий йил ҳосили учун 72 минг 270 гектар майдонда деҳқончилик қилади.

Сув тақчил бўлиши қўйиб қўйилган кўп қисмининг мўътадил келаётганидан самарали фойдаланиб, ерга барака уруғи экишни тез кунларда сифатли яқунлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу мақсадда 230 та отряд ташкил этилиб, барча ишлар уюшқоқлик билан амалга ошириляптир.

Вилоятнинг Ангор туманида "Zamin Angor cluster" пахтачилик-тўқимачилик кластери ва 33 та фермер хўжалиги далаларида пахта парваришланади. Бу йил улар 4 минг 734 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, "Юксалиш" ҳамда "Термиз-202" навли пахта

чигити қадамоқда. Бу ишни тез, сифатли яқунлаш учун чигит экиш қизғин олиб борилмоқда.

Тумандаги "Саидносирхон" фермер хўжалиги 49,4 гектар майдонда ғалла ва пахта етиштиришда. Тажрибали фермер баҳорнинг илк кунларидан куз фаслида чуқур шудгорланган майдонларни текисланди. Ер оби-тобига келгач, чигит қадашни бошлади.

– Бу йил 21,8 гектар майдонда "Юксалиш" навли пахта уруғини селиб, ундан мўл ҳосил олишни режалаштирганмиз, – дейди фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони Исоҳон Баҳрамов. –

Ҳозир барака уруғи сепиш учун айна пайт. Ерга етарли нам бор. Кунлар исиб кетса, намгарчилик қочиб, экилган чигит қатқалоқда яхши униб чиқмайди. Баҳорнинг бошланиши илиқ келаётганидан унумли фойдаланиб, чигит экишни Наврўз байрами арафасида яқунламоқчимиз.

Вилоятнинг Шеробод, Қизирик, Бандихон, Музабот, Жарқўрғон каби туманларида ҳам баҳорги чигит экиш мавжуд агротехника тадбирлар асосида тез, сифатли амалга оширилмоқда.

Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ,
ЎЗА МУХБИРИ.

➤ Президент ташаббуслари – амалда

"ТУРКИЙ АДАБИЁТ ДУРДОНАЛАРИ" БЕБАҲО ХАЗИНАМИЗДИР

Хабар берилганидек, 16 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Анқара шаҳрида Туркий давлатлар ташкилотининг фавқулодда саммитида иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг Туркияга ташрифи арафасида ЎЗА мухбирига Саид Аҳмад асарларини турк тилига таржима қилиб, Анқарада нашр эттирган Тошкент давлат шарқшунослик университети доценти, филология фанлари доктори Хайрулла ҲАМИДОВ қуйидагиларни гапириб берди:

– Давлатимиз раҳбари 2019 йил 15 октябрь куни Озарбайжоннинг Боку шаҳрида ўтказилган Туркий давлатлар ҳамкорлик кенгашининг навбатдаги саммитида сўзлаган нутқида ташкилотга аъзо давлатлар адабиётининг энг сара намуналаридан ташкил топган "Туркий адабиёт дурдоналари" номли юз жиллик тўпламини ҳар бир мамлакатнинг она тилида нашр этиш ташаббусини илгари сурган эди. Мазкур ташаббус асосида илк бор Ўзбекистонда юз жиллик "Туркий адабиёт дурдоналари" тайёрланиб, лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосида она тилимизда нашрга тайёрланди.

Жамланмага умумтуркий адабиётнинг энг сара намуналари, ўзбек, қорақалпоқ, турк, озарбайжон, қозоқ, қирғиз, туркман ва венгер адабиётининг 11-21 асрларга мансуб 629 нафар атоқли шоир, адиб ва мутафаккирларининг асарлари

киритилган. 2022 йил 10-11 ноябрь кунлари Самарқандда ўтказилган Туркий давлатлар ташкилотининг 1-саммити арафасида ана шу юз жиллик китоблар туркумининг нишона сонини наشرдан чиқди.

Мажмуанинг "Умумтуркий адабиёт намуналари" деб номланган илк 5 жилдини қадим туркий тилимизни илк бор илмий асосда тадқиқ этган буюк аллома Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний ва Носирдин Рабғузий асарлари ташкил этган бўлса, "Ўзбек адабиёти намуналари" деб номланган 6-33 жилдларини Алишер Навоийдан бошлаб то бугунги кунга қадар қалам тебратиб келган ўзбек адабиёти намояндаларининг дурдона асарлари ташкил этди.

Қолган жилдларни эса қорақалпоқ, турк, озарбайжон, қозоқ, қирғиз ва туркман тилларидан она тилимизга ўгириб, турли йилларда нашр этилган ва энди илк бор чоп этилаётган дурдона асарлар ташкил этди. Шунингдек, мажмуанинг 1 жилди венгер адабиёти вакилларининг турли йилларда ўзбек тилига таржима қилинган асарларидан иборат.

(Давоми 2-саҳифада)

СУВ РЕСУРСЛАРИ, СУВ ТАЪМИНОТИ ВА САНИТАРИЯ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Шу йилнинг 16 март куни Сув хўжалиги вазирлигида сув ресурслари, сув таъминоти ва санитария тармоқлараро ишчи гуруҳининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Сув хўжалиги вазирлиги, "Ўзсувтаъминот" АЖ, тармоқлараро ишчи гуруҳи аъзолари, манфаатдор вазирлик ва идоралар, Швейцария элчихонаси, Жаҳон банки, Оснёт тараққиёт банкнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва бошқа донор ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда сув ресурслари, сув таъминоти ва санитария тармоқлараро ишчи гуруҳининг жорий йилдаги иш режаси ҳамда самардорликнинг асосий кўрсаткичлари муҳокама қилинди. 2024-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантириш стратегияси лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳақида сўз юритилди.

2022-2026 йилларга мўлжаллан-

ган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси мақсадлари билан боғлиқ ҳолда амалга ошириляётган ишчи гуруҳининг қўллаб-қувватлашнинг асосий воситаларидан бири – халқаро донорлар ва ривожланиш бўйича шериклар билан ҳамкорликни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда мувофиқлаштирилган ҳамкорликни ташкил этишга қаратилган "Мамлакат платформаси" механизмидир.

(Давоми 2-саҳифада)



Фавкулда вазиятлар бўйича вазирликлар ўртасидаги шериклик алоқаларини кескин фаоллаштириш лозимлиги қайд этилди

ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ САММИТИДА МУҲИМ ТАШАББУСЛАР ИЛГАРИ СУРИЛДИ

(Боши 1-саҳифада)

– Бундан ташқари, талафот кўрган ҳудудлардан ёши улуг инсонлар ва нурунийларни юртимизда соғлигини тиклаш ва дам олишлари, шунингдек, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридид, Баҳоуддин Нақшбанд каби буюк аждодларимиз қадамжоларини зиёрат қилишлари учун барча қулай шарт-шароитларни яратиб берамиз, – деди Шавкат Мирзиёев.

Шунингдек, Туркиянинг жабр кўрган Ҳатай музофоти ёшлари ушбу ёз мавсумида Ўзбекистонга таклиф қилинди. Улар учун мазмунли ҳордик, қадимий Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларига сафарлар, юртимиздаги тенгдошлари билан қўшма тадбирлар ташкил этилади.

Давлатимиз раҳбари Туркий давлатлар ташкилоти давлатлари жойлашган ҳудудлар ўз географик ва геологик хусусиятларига кўра табиий офат ва хавф-хатарлар фаол савдо бўладиган макон ҳисобланишига эътибор қаратди.

– Минг афсуски, сўнги йилларда глобал иқлим ўзгаришлари бу каби вайронкор ҳодисалар кўлами ва зарарини кескин оширмоқда, – деди Шавкат Мирзиёев.

Фавкулда ҳолатларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш мақсадида Ташкилотнинг Тизимли ҳамкорлик платформасини ташкил этиш ва унинг асосида қатор аниқ механизмларни яратиш ташаббуси илгари сурилди.

Жумладан, Ташкилот доирасида табиий офатлар ва фавкулда вазиятларнинг олдини олишга қаратилган кўп

томонлама битимни тезроқ ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга. Бу борада Ўзбекистон Туркия томони тақдим этган фуқаролар муҳофазаси бўйича тизим яратиш ҳақидаги ҳужжат лойиҳасини тўлиқ қўллаб-қувватлайди.

Фавкулда вазиятлар бўйича вазирликлар ўртасидаги шериклик алоқаларини кескин фаоллаштириш лозимлиги қайд этилди. Уларнинг навбатдаги йиғилишида энг устувор йўналишлар бўйича қўшма ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқиш таклиф қилинди.

Табиий офатларнинг ижтимоий ва иқтисодий оқибатларини бартараф қилишда яқиндан кўмак кўрсатиш механизмининг жорий этиш мақсадида мувофиқлиги алоҳида таъкидланди. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва курилиш молларини тўсиқсиз етказиб бериш, саноатни тиклашга қаратилган кооперация лойиҳаларини ишга тушириш таклифи илгари сурилди.

– Илмий ва технологик соҳаларда эришилган ютуқларга қарамадан, зилзилалар, сел ва сув тошқинлари, ўрмон ёнғинлари, бўронларни олдиндан аниқлаш ва эрта огоҳлантириш ҳамон долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Бу жараёнларни чуқур ўрганиш, соҳага фан ва технологияларни кенг жорий этиш катта ижобий самара бериши аниқ, – деди Ўзбекистон етакчиси.

Шундан келиб чиқиб, давлатимиз раҳбари Ташкилот доирасида Табиий офатлар мониторинги ва таҳлили марказини тузиш ҳамда уни Тошкентда жойлаштириш ташаббусини илгари сурди.

Бундан ташқари, Туркий давлатлар ташкилотининг фавкулда вазиятларга ихтисослашган халқаро тузилмалар билан амалий ҳамкорлигини кучайтириш лозимлиги алоҳида эътибор қаратилди.

Сўзининг якунида Ўзбекистон Президенти Ташкилотдаги қатор мамлакатларда бўлажак муҳим сиёсий воқеалар, шу жумладан, сайловларнинг муваффақиятли ўтказилишини тилади ва яқинлашиб келаётган баҳор, янгилиниш байрами – Наврўз ҳамда кутлуғ Рамазон ойи билан муборақбод этди.

Саммит якунида Анкара декларацияси қабул қилинди, Туркий инвестиция фондини ташкил этиш тўғрисида битим имзоланди ҳамда фуқаро муҳофазаси механизмининг шакллантириш юзасидан битимни тайёрлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркий давлатлар ташкилоти навбатдан ташқари саммитининг асосий тадбирлари доирасида Венгрия Бош вазир Виктор Орбан билан учрашув ўтказди.

Учрашув аввалида давлатимиз раҳбари Бош вазир ва дўст венгер халқини миллий байрам – Венгрия инқилоби куни билан самимий кутлади.

Икки томонлама стратегик шериклик муносабатлари ва кўп қиррали ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Мамлакатларимизнинг етакчи компаниялари иштирокидаги қўшма инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ва тезлаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Тўғридан-тўғри авиақатновларни йўлга қўйиш ҳамда Ўзбекистон ва Венгрия корхоналарининг самарали кооперацияси учун ишлаб чиқариш майдонини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Халқаро кун тартибидagi долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди. Давлатимиз раҳбари саммит доирасида Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркманистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов билан ҳам учрашув ўтказди.

Утган йилги тарихий аҳамиятга эга олий даражадаги ташрифлар давомида эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Турли даражадаги фаол мулоқот ва алмашувлар, яқинда ўтган Ҳукуматларо комиссия йиғилишининг самарали якунлари, товар айирбошлаш кўрсаткичлари ошаётгани ва устувор тармоқларда шериклик кенгайиб бораётгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди.

“Шовот-Тошовуз” чегараолди савдо зонасини ташкил этиш ишларини бошлаш ҳамда энергетика, машинасозлик, транспорт ва логистика, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа тармоқларда муҳим кооперация лойиҳаларини илгари суришга эътибор қаратилди.

Минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари муҳомада қилиниб, бўлажак тадбирлар режаси кўриб чиқилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикасига амалий ташрифи якунланди.

ЎЗА

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ЯНА БИР БОР МУКАММАЛЛИКДАН ЎТДИ

(Боши 1-саҳифада)

учинчидан, Конституциявий суд мажлиси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси, биринчи банди, Конституциявий суд тўғрисидаги қонуннинг 4-моддаси, биринчи бандига мувофиқ, Қонунчилик палатаси қарорининг Конституцияга мувофиқлиги бўйича бўлиб ўтди;

тўртинчидан, Конституциявий қонун лойиҳасини референдумга қўйишга монелик қилувчи бирон бир қўлатлар аниқланмаган;

бешинчидан, Конституциявий суд тўғрисидаги Қонуннинг 30-моддасида, Мурожатга илова қилинадиган ҳужжатлар қаторига, текширилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ёки шарҳланиши лозим бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонуни нормасининг матни бўлиши белгиланган бўлиши Шунинг натижасида Конституциявий қонун лойиҳаси матни Конституциявий суд томонидан атрофчила кўриб чиқилди;

олтинчидан, Конституциянинг янги таҳрирдаги лойиҳаси чигирқидан ўтиб, халқнинг тафаккури, ижодкорлиги билан бойитилиб, яқинда Конституция суд томонидан тўла қўллаб-қувватланди.

Шерзод ЗУЛФИҚОРОВ, юридик фанлари доктори, профессор.

натижалари эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириши таъкидлаб ўтилди;

саққизинчидан, Мажлисда “Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш ҳақида”ги қарори, Референдум тўғрисидаги қонуннинг 14-моддаси талаблари бўйича чиқарилганлиги қайд этилди.

Мажлис якунида, Конституциявий суд томонидан Қонунчилик палатасининг 2023 йил 10 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тўғрисидаги”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонун лойиҳасини референдумга қўйиш ҳақидаги қарори Конституциявий суд томонидан тўла қўллаб-қувватланди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, янги таҳрирдаги Конституциявий қонун лойиҳаси ҳар томонлама чиғирқидан ўтиб, халқнинг тафаккури, ижодкорлиги билан бойитилиб, яқинда Конституция суд томонидан тўла қўллаб-қувватланди.

Шерзод ЗУЛФИҚОРОВ, юридик фанлари доктори, профессор.



ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

ҚИШЛОҚДАГИ ЯНГИ КОРХОНАДА

100 ТА ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛДИ

Фарғона вилояти Ўзбекистон туманида полипропилен конверт қоп ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги корхона иш бошлади.

“Цемент хомашё савдоси” масъулияти чекланган жамияти қошида ташкил этилган мазкур корхона йилига 60 миллиард сўмлик 36 миллион 500 донга замонавий полипропилен қоп тайёрлаш қувватига эга. Лойиҳа амалиётга жорий этиш учун 3 миллион долларга тенг инвестиция йўналтирилди. Унинг 1,6 миллион доллари “Алоқабанк” акциядорлик тижорат банки кредити ҳисобидан қопланди.

– Полипропилен қоплар ишлаб чиқариш бугунги кун-

Маҳмудов. – Корхонамиз айна кунда тест режимда иш бошлаб, шу ой якунига қадар тўла қувватда фаолият кўрсатиши устидан иш олиб бормоқдамиз. Лойиҳа учун зарур бўлган 2,5 миллион долларлик асбоб-ускуналар Хитойдан келтирилиб, айна хитойлик мутахассислар иштирокида шу ерда ўрнатиб берилди.

Қайд этилишича, корхона ишга тушиши билан 100 нафар маҳаллий аҳолининг бандлиги таъминланди, уларнинг аксарияти ёшлар ва хотин-қизлардан



даромадли, шу билан бир вақтда долзарб тадбиркорлик турларидандир. Полипропилен қоплардан асосан мустаҳкам саноат қадоқлари сифатида фойдаланилади. Бундай қоплар мустаҳкам полипропилен хомашёси ва иплардан тайёрланади, – деди янги корхонанинг 23 ёшли раҳбари Орифхон

иборат. Таъкидланганидек, корхонанинг тўла қувват билан ишга тушиши натижасида ишчилар сонини 200 нафарга етказилади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 30 фоизи яқин келажақда МДҲ давлатларига экспорт қилиниши режалаштирилган.

М.СУЛАЙМОНОВ, ЎЗА мухбири.

“ТУРКИЙ АДАБИЁТ ДУРДОНАЛАРИ” БЕБАҲО ХАЗИНАМИЗДИР

(Боши 1-саҳифада)

Ушбу бебаҳо хазина нафақат Марказий Осиё, балки бутун туркий тилли давлатлар орасида илк бор рўбга чиқарилган йирик адабий лойиҳанинг натижаси, шу билан бирга, она юртимизда маданият ва санъатга кўрсатилаётган муҳим эътибор, халқимизнинг қардош халқлар ва уларнинг сўз санъатига бўлган юксак эътироби рамзидир.

“Ўзбекистон” нашриётида чоп этилган ушбу туркумни тайёрлаш учун икки юздан зиёд таржимон, юздан зиёд адабиётшунос олим, адиб ва муҳаррир жалб қилинди.

Ўзбекистон Марказий Осиёнинг қоқ ўрта-сида жойлашган мамлакат ва ҳар соҳада марказий мавқени эгаллаб келаётгани ҳеч кимга сир эмас. Шу нуқтаи назардан юз жилдлик китобнинг илк бор Ўзбекистонда нашр этилгани ярашқили бўлди ва туркий давлатлар ўртаси-

даги мавжуд адабий алоқаримизни янада мустаҳкамлади, деб уйлайман.

“Туркий адабиёт дурдоналари”, “Туркий дунё нигоҳи – 2040” концепцияси ва бугунги кунда қабул қилинаётган Туркий давлатлар ташкилоти беш йиллик стратегияси доирасида амалга оширилган илк қадам бўлиб, 170 миллиондан зиёд аҳоли яшайдиган улкан минтақани ўз ичига олган тузилма нуфузини янада мустаҳкамлаш, қардош халқлар ва давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни юксак поғонага олиб чиқиш борасидаги ниятимизнинг илк рўйбидир.

Бу каби тадбирлар халқларимизнинг улуг ижодкорлари қолдирган бой маънавий меросни кенг тарғиб этади, балки уларни асраб-авайлашга, чуқур ўрганишга ҳам даъват қилади.

ЎЗА мухбири
Бехрўз ХУДОЙБЕРДИЕВ
ёзиб олди.



АНДИЖОНДА НАВРЎЗ БАЙРАМИ САВДО ЯРМАРКАЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Наврўз умумхалқ байрами арафасида Андижон шаҳрининг қатор ҳудудларида савдо ярмаркалари ташкил этилди.

Президентимизнинг жорий йил 1 мартдаги “2023 йилги Наврўз умумхалқ байрамини таъйинлаш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида Андижон шаҳрининг 14 та маҳалла гузарига иш бошлаган озиқ-овқат савдо ярмаркалари расталарида “Андижонгўштсавдо”, “Андижонбалик” масъулияти чекланган жамиятлари, виллоятдаги агрофирмалар, паррандачилик корхоналари ва савдо ташкилотларининг маҳсулотлари, шунингдек, фермер ҳўжаликлари ҳамда деҳқонлар томонидан етиштирилган, ишлаб чиқарилган 40 га яқин турдаги мева-сабзавот, озиқ-овқат маҳсулотлари ўрин олган.

Ҳамюртларимизнинг бай-

рам дастурхонлари тўқин бўлишини таъминлаш мақсадида ташкил этилган ушбу савдо ярмаркалари шаҳар аҳолиси учун катта қулайлик яратмоқда. Қолаверса, савдога қўйилган маҳсулотлар нархи бозордагига нисбатан арзон. Бундан ташқари, намунали хизмат кўрсатилиши, пластик карталар орқали ҳам савдоларнинг йўлга қўйилганлиги кўпчиликка манзур бўлмоқда.

– Ярмаркадаги маҳсулотларнинг бозорга нисбатан арзон нархда сотилаётганлигидан хурсандмиз, – дейди Андижон шаҳридаги Машъал маҳалласида яшовчи, меҳнат фахрийси Тўлқинжон Сиддиқов. – Бундай имконият ва яратилган қулайлик, айниқса, биз кексаларга

кўл келмоқда. Наврўз байрами ярмаркасининг ташкил этилди ташкил этилган ушбу байрам тўғриси бўлди.

Халқимиз учун меҳр-оқибат, эзгулик тимсолига айланган Наврўз умумхалқ байрамини муносабати билан ташкил этилган мазкур савдо ярмаркалари аҳолига қулайлик яратиш билан бирга, байрам арафасида нарх-навоининг ортиб кетишининг олдини олишга хизмат қилади.

Андижон шаҳридаги 14 та ҳудудда, шунингдек, виллоятнинг барча туман, шаҳар марказларида ташкил этилган ярмаркалар 22 мартга қадар давом этади.

Фахриддин УБАЙДУЛЛАЕВ, ЎЗА мухбири.



СУВ РЕСУРСЛАРИ, СУВ ТАЪМИНОТИ ВА САНИТАРИЯ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

(Боши 1-саҳифада)

Бу Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислохотлар агентлиги томонидан 2023 йилда қўйилган функциясини бажарувчи Жаҳон банки билан ҳамкорликда мувофиқлаштирилди.

Жорий йилнинг январь ойида ўтказилган “Мамлакат платформаси”нинг биринчи йиғилишида томонлар соҳа вазирликлари ва идоралари, шунингдек, донорлар ва ривожланиш бўйича шериклардан ташкил топган 12 та ишчи гуруҳларини ташкил этиш масалаларини келишган эдилар. Шулардан бири сув ресурслари, сув таъминоти ва санитария тармоқларига илгари сурилди.

Илгари “Ўзсувтаъминот” АЖ ва Сув ҳўжалиги вазирлигининг тақдимотлари уюштирилди.

Ўзбекистон Республикаси сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган стра-

тегияси тасдиқланган бўлиб, унда белгиланган вазифалар амалга оширилмоқда. Соҳа олдидида 2024-2026 йилларга мўлжалланган стратегияни ишлаб чиқиш вазифаси турибди.

– Ўзбекистонда ер ости, ер усти сувлари, ичимлик ва сугоғиш учун фойдаланиладиган сувлардан самарали фойдаланиш бўйича ҳаракатларни бирлаштириш мақсадида мувофиқ. Бу борада интеграциялашган сув ресурсларини бошқариш тажрибасини қўллаш фойда беради, – деди Швейцария элчихонасининг ҳамкорлик бўлими бошлиғи Рахель Бёш хоним.

Йиғилишда томонлар айна-ш муасалар юзасидан қарашларини билдириб, муҳокамаларда фаол қатнашдилар.

Яқинда сув ресурслари, сув таъминоти ва санитария тармоқларига ишчи гуруҳининг жорий йилги иш режаси тасдиқланди.

Сув ҳўжалиги вазирлиги ахборот хизмати

Эълон

“BRAVO INVESTMENT” МЧЖ (СТИР 302 693 387) устав жамғармаси 758 127 601 сўм 35 тийиндан 635 884 393 сўм 38 тийинга камайтирилаётганлигини маълум қилади. Талаблар Тошкент шаҳри Яшнобод тумани М. Ашрафий кўчаси 103 А уй манзили бўйича юборилиши мумкин.

Наврўзни етаклаб келади баҳор...



Муҳтарам юртдошлар!
Сиз, азизларни юртимизга яшариш ва янгилашни руҳини олиб келган баҳорий дамларнинг муаззам шодиёнаси –
НАВРЎЗ БАЙРАМИ
билан қизғин табриклаймиз.

Халқимизни нон ва нон маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш йўлида фидойилик кўрсатаётган юртдошларимиз, хусусан, донни қайта ишлаш тизими ходимларига куч-қувват, аъло кайфият доимо ҳамроҳ бўлсин!

Барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлаб, эртанги кунга бўлган ишончимизни мустаҳкамлаётган муваффақиятли ишларимиз янада кўпаяверсин! Мафтункор баҳор кайфияти дилларимизни асло тарк этмасин!

“Ғалла-Алтег”
 акциядорлик жамияти жамоаси



ОЎАНГАРОН
ДАВЛАТ ЎРМОН
ХЎЖАЛИГИ МЕҲНАТ
ЖАМОАСИ

азиз ва муҳтарам юртдошларимизни қутлуғ айёми –
Наврўзи одам
билан чин гулдан муборақбод этади.
Юртимизни янада обод этиш йўлида ўзларининг бор куч-айратлари, билим ва тажрибаларини бахшида этаётган барча ватандошларимизга сўхат-саломатлик, ишларига улкан муваффақиятлар тилайди.

ЖИЗЗАҲДА “ТАДБИРКОРЛАР МАКТАБИ” ОЧИЛДИ

Ўзсаноатқурилишбанк томонидан “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси билан ҳамкорликда Жиззах политехника институти қошида “Тадбиркорлар мактаби” ўқув марказининг Жиззах филиали ташкил этилди.




Президентимизнинг жорий йил 24 февраль кунини Жиззах вилоятига ташрифи давомида худудда “Тадбиркорлар мактаби” ўқув маркази филиалини ташкил этиш бўйича топшириқ берилган эди. Шу мақсадда “Тадбиркорлар мактаби”нинг Жиззах филиали фаолияти йўлга қўйилди. Марказда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасида ўз бизнесини бошлаш ниятидаги тадбиркорлар, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхона ва ташкилотлар ходимлари, шунингдек, кенг жамоатчилик вакиллари ўз малака ва кўникмаларини ошириш имконига эга бўлади. Ўқув курслари Жиззах политехника институти ҳамда илмий тадқиқот институти профессор-ўқитувчилари томонидан базальт асосли иссиқлик сақловчи материаллар, базальт сеткаси ва бошқа шу каби энергияте-

жамкор материаллар ишлаб чиқариш мавзуларида олиб борилади. Машғулотлар давомида тингловчилар учун Фориш туманидаги “Basalt” кластери таркибидagi ишлаб чиқариш корхоналарида сайёр ўқувлар ҳам олиб борилади. Битирувчиларга қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни бошлашларида консултив ёрдам кўрсатилади. Таълим олиш ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мутлақо bepул.

Ўзсаноатқурилишбанк ахборот хизмати

Дилларда сурур, завқу шавқ жўш урган баҳорнинг шундай қутлуғ дамларида ҳамюртларимизни тобора яқинлашиб келаётган
НАВРЎЗ АЙЁМИ
билан табриклайганимиздан қувончимиз чексиз. Шу фурсатдан фойдаланиб, барчангизга бахт-саодат, оилаларингизга тинчлик-тотувлик, дастурхонларингизга қут-барака тилаймиз. Янги-янги марралар сари руҳлантираётган айни шу илҳомбахш лаҳзалардаги хуш кайфият доимо ҳамроҳингиз бўлсин!

“КЕГАЙЛИМАХСУССУВПУДРАТ”
 МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ



ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

ЯНГИ СИҲАТГОҲ ҚУРИЛИШИГА СТАРТ БЕРИЛДИ

Хонқа туманида жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб берадиган 200 ўринга мўлжалланган янги сиҳатгоҳ биноси қурилишига старт берилди.



Ушбу саломатлик маркази Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси томонидан лойиҳалаштирилган бўлиб, туманининг Қирқёп қишлоғи худудида қурилмоқда. Бунинг учун уч гектар ер майдони ажратилди.

Қирқёп қишлоғи Амударё бўйида жойлашганлиги учун ҳам об-ҳавоси мўътадил, сиҳатгоҳбоп жойлар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам лойиҳада бунга алоҳида эътибор қаратилди.

– Бу санаторийнинг башқа сиҳатгоҳлардан фарқи шундаки, ер қаъридан, 780 метр чуқурликдан минералларга бой шифобахш сув чиқади, – дейди Хонқа санаторийси МЧЖ директори Шухрат Собиров. – Бу сув асосан юрак-қон томир, асаб тизими, гинекологик ҳамда таянч аъзолари касалликларини даволашда яхши самара беради.

Воҳа аҳолисида кўпроқ бел соҳасида грижа касалликлари учрайди. Шу сабабли ҳам ушбу санаторийда бу касалликни тўлақонли даволаш мақсадида умуртқа поғонасини сувда тортиш асбоб-ускуналарини олиб келиш ҳам режага киритилган. Шунингдек, сиҳатгоҳда ёзги ва қишки сузиш ҳавзаси даволанувчилар хизматида бўлади.

Ушбу соғломлаштириш маркази йилга 4,5 минг нафар кишининг соғлигини тиклашга хизмат қилади. Тўлиқ ишга тушгач, 113 киши иш билан таъминланади.

Болтабой МАТҚУРБОНОВ,
 “Qishloq hayoti” муҳбири.



"Navro'zing – yangi kun, yangi davroning muborak, jonajon O'zbekistonim!"

"O'zagrosug'urta" aksiyadorlik jamiyatining mehnat jamoasi yasharish, yangilanish va yuksalish bayrami – Navro'zi olam bilan chin dildan muborakbod etadi.

Azmi qat'iy, bag'rikeng, mehmondo'st xalqimizni ko'ngillarga olam-olam zavqu shavq ulashib, kirib kelgan bahor ayyomi – Navro'z bilan qizg'in qutlaydi.

Jonajon yurtimizning yanada gullab yashnashi, ertangi kuni-mizning bundan-da obodligi yo'lidagi ezgu sa'y-harakatlarida muvaffaqiyatlar tilaymiz.

Navro'z ayyomingiz qutlug' bo'lsin, azizlar!



Улуғнинг улуғ айёми – Наврўз муборак бўлсин!

Қайноқ ҳаёт нафасини олиб келган баҳорнинг беназир байрами Наврўз оппоқ орзулар, эзгуликлар, пок ниятлар айёмидир. Ота-боболаримиз азалдан уни катта хурсандчилик, шукроналик билан қарши олишганки, бунинг замирида катта ҳикмат мужжасамдир. Негаки, Наврўз дилларни мунаввар этган. Бу кунда одамлар гина-кудуратни унутиб, бир-бирига меҳр улашган. Яхши ниятлар қилишган. Қутлуғ кунда қилинган тилаклар, орзулар ижобат бўлган. Она табиат билан ҳар қачонгидан-да кўпроқ яқинлашиб, уйғунлашиб кетган. Гўзал айёмнинг улуғвор жозибаси эса айни шу уйғунликда ўз ифодасини топган. Ана шундай улуғворлик касб этган лаҳзаларда барча юртдошларимизни яқинлашиб келаётган байрам билан чин қалбдан табриқлаймиз ва мамлакатимиз тараққиёти йўлидаги эзгу ишларида омадлар тилаймиз.

"НАВОЙДОНМАҲСУЛОТЛАРИ" АЖ ЖАМОАСИ



ҚУЙИ СИРДАРЁ ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

юртдошларимизни, жумладан, республикаимиз сув хўжалиги тизимида меҳнат қилаётган барча ҳамкасбларини

НАВРЎЗ АЙЁМИ

билан қизгин табриқлайди ва барчага шарқона янги йил янги-янги ютуқлар, қувончу шодликлар олиб келишини тилайди.

Мана шундай фараҳбахш лаҳзаларда, Наврўз сайилларида албатта, ҳар бир юртдошимиз дилига эзгу умидларни тугади, катта режаю мақсадларни ўз олдига қўяди, орзулари рўёбини Яратгандан сўрайди. Илоҳим, ана шундай қутлуғ кунларда қилинган барча эзгу тилаклар ижобат бўлсин!



Тошкент давлат аграр университети жамоаси

Барча юртдошларимизни, қишлоқ хўжалиги соҳаси ходимларини, олимлар, миришқор соҳақонлар ҳамда муҳтарам устозларни ва барча ҳамкасбларини

Наврўз байрами

муносабати билан самимий муборакбод этади. Ўзини ўзбекистонимизнинг жаҳон майдонига нуфузи ва мафҳеи тобора мустаҳкамлашни, халқимиз турмушининг тобора юксалиши йўлидаги эзгу ишларида улакан зафарлар тилайди.

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекси таркибидagi ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:

Шавкат ҲАМРОЕВ, Азиз ВОИТОВ,
Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ,
Ақтам ҲАЙТОВ, Маҳмуд ТОИР,
Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Раимкул СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳажми 2 босма табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
НАШР ИНДЕКСИ – 144.
Бюджетга Г-340. 2618 нусхада чоп этилди.

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

Манзилими: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефонлар: Қабулхона – (0-371) 236-26-50, 233-09-93,
95-080-43-70, 99-050-69-45.
Реклама ва эълонлар – (0-371) 236-26-50, (0-371) 233-28-04.
e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нарҳда.



Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 18.00